

## Рамазоннинг 41 фазилати (еттинчи мақола)



16:00 / 29.04.2020 2027

15. Рамазон сабр-бардош ойдир.

Рўза тутиб, бир қатор ноқулайликларга, машаққатларга қарамай, ўзининг энг муҳим эҳтиёжларини тийган киши сабр ва чидамнинг энг юқори даражаларини ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам, Абу Фазл келтирган ҳадисда: «У (Рамазон) сабр ойдир, сабрнинг савоби эса жаннатдир», дейилган.

16. Рамазон ризқ-рўзларга барака бериладиган ойдир.

Салмон розияллоҳу анҳунинг ҳадисиди: «У (Рамазон) мўминнинг ризқи зиёда қилинадиган ойдир», дейилади.

17. Рамазон саломатлик ойдир.

Қадимда ҳам, ҳозирда ҳам очлик билан даволаш муолажалари табиблар ўртасида энг кенг тарқалган даволаш услубларидан ҳисобланади. Муслмон бўлмаган мутахассисларнинг таъкидлашларича, инсон жисмонан соғлом юриши учун бир йилда 28, 29 кун ихтиёри оч юриши керак экан. Рамазон ойи эса 29, 30 кун давом этади. Аллоҳ таоло сиз билан биз мўмин-муслмонларга соғлигимиз гарови бўлган ушбу муолажани ибодат қилиб бериб, улкан ажру савобларни, яхшиликларни ваъда қилган экан.

*(Давоми бор)*

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид**